

**«MUBORAK PAXTA TOZALASH» AJ нинг
2016 йилги молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларига
мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларини халқаро
аудит стандартлари асосида
аудит текширувидан ўтказиш юзасидаи**

АУДИТОР ҲИСОБОТИ

Мундарижа:

Кириш қисми

1. Аудиторлик ташкилоти реквизитлари
2. Бажарилган иш баёни

Таҳлилий қисм

3. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари ҳолати
4. Бухгалтерия ҳисоби текшируви натижалари

Яқуний қисм

5. Фикр ва мулоҳазалар
6. Таклиф ва тавсиялар

8

1. Кириш қисми

Мазкур ҳисобот «Muborak paxta tozalash» АЈнинг 2016 йилги молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларини халқаро аудит стандартлари асосида аудит текширувидан утказиш юзасидан ёзма баёни ҳисобланади

1.1. Умумий маълумотлар.

Аудиторлик текшируви буюртмачиси	«Muborak paxta tozalash» АЈ
Аудиторлик текшируви мақсади	2016 йил учун тузилган молиявий ҳисоботлар тўғрилиги (ишончилиги)ни, шу даврда амалга оширилган молия-хўжалик муомалаларининг амалдаги Бухгалтерия ҳисоби қонун ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш
Аудиторлик текшируви ўз ичига қамраб олган давр	2016 йил 1 январдан 31 декабрга қадар
Аудиторлик текшируви ўтказилган сана	2017 йил 10 апрел – 29 апрел
Аудиторлик ҳисоботи тузилган сана	2017 йил 29 апрел
Аудиторлик текширувининг тури	Мажбурий аудит
Аудиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича лицензияси	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Аудитор фаолиятини амалга ошириш учун лицензияси АФ №00376, 2008 йил 14 мартда берилган (чекланмаган муддатга).
Лицензия тури	Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказишга ҳақли

Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва реквизитлари:

Аудиторлик ташкилоти (Бажарувчи).

Тўлиқ номи	МЧЖ шаклидаги “Audit-hisob markazi” аудиторлик ташкилоти
Давлат рўйхатидан ўтганлиги	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 25.12.2000 й.да 42-гартиб рақами билан рўйхатдан утган.
Ҳуқуқий манзили	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 2-уй.
Почта манзили	Қарши шаҳри, 7-миттитуман, 8/27.
СТИР рақами	203798660
ОКОНХ коди	84400
Телефон рақамлари	227-79-56, +99893-5253323
Электрон почта	zaudit@mail.ru
Банк реквизитлари	ТИФ Миллий банки Қарши шаҳри
МФО коди	00150
Ҳисоб рақам	2020 8000 1041 5388 2001

Буюртмачи корхона:

Гўлик номи	«Muborak paxta tozalash» AJ
Ҳукукий манзили	Муборак тумани, Сардоба курғони
Почта манзили	Муборак тумани, Сардоба курғони
СТИР рақами	202 619 115
ОКОНХ коди	71111
Телефон рақамлари	2750168
Электрон почта	
Банк реквизитлари	АТБ Агро банк. Муборак филиали
МФО коди	00187
Ҳисоб рақам	2021 0000 903 904 350 001

2. В а з и ф а в а у с у л л а р

Мазкур аудитни ўтказишдан мақсад – «Muborak paxta tozalash» AJда 2016 йил 1 январдан 2016 йил 31 декабр мобайнида ўтказилган молиявий-хўжалик операцияла-рининг қонунийлиги, тузилган молиявий ҳисоботларнинг ишончилиги, тўлиқлиги, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг амалдаги меъёрларига амал қилинганлиги юзасидан фикр билдиришдир.

Аудит текшируви Молиявий Ҳисоботларнинг Халқаро стандартлари, Аудит Халқаро Стандартлари, Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар қоидаларига мувофиқ ўтказилди.

Аудит жараёнида ҳужжатли текшириш усули қўлланилиб, ҳисоботлар куйидаги ҳажмларда кўриб чиқилди:

- МҲХС бўйича тайёрланган йиллик молиявий ҳисоботлар – шаклий ва арифметик жиҳатдан, горизонтал ва вертикал тарзда;
- молиявий ҳисоботларни МҲХСга ўтказиш трансформация маълумотлари зарур бўлган ҳажмда танланма тартибда;
- бошқа ишлаб чиқариш омилларининг ҳисоб тизимига таъсирини баҳолаш – танланма тартибда.

Аудит текширувини ўтказиш мобайнида куйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилди:

- Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартлари (БҲХС);
- Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (МҲХС);
- Халқаро Аудит Стандартлари;
- Жамият ходимлари тайёрлаган маълумотномалар;
- Бошқа ахборотлар.

Юқоридагиларга мувофиқ ҳамда жамият билан тузилган шартномага асосан МЧЖ “AUDIT-HISOB MARKAZI” аудиторлик ташкилоти «Muborak paxta tozalash» AJ (кейинги ўринларда «жамият» дейилади) 2016 йилдаги МҲХС асосида тузилган молиявий ҳисоботларни Халқаро аудиторлик текширувидан ўтказди.

Кашкадарё вилояти «Muborak paxta tozalash» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Акциядорлик жамияти” деб аталувчи) нинг Низоми «Muborak paxta tozalash» акциядорлик жамияти акциядорларининг 2016 йил 30 июндаги умумий

Йигилиш қарори ҳамда Қашқадарё вилоят Муборак туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари курсатувчи «Ягона дарча» марказининг 2016 йил 26 июлдаги 1331 – рақам билан руйхатга олинган.

«Muborak paxta tozalash» акциядорлик жамияти уз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва Фармойишлари ва уз Низоми асосида иш юритади.

- пахта хом ашёси харид қилиш, қайта ишлаш, бозор механизмларини ривожлантириш, жаҳон бозорида рақобатга бардошли юқори сифатли пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва шу орқали пахта тозалаш жамиятининг иқтисодий самарадорлигини кучайтириш ва фойда олиш;

- пахта хом ашёсини харид қилиш ва қайта ишлаш юзасидан пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги жамиятлари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузиш;

- тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ пахта хом ашёсини харид қилиш ва уни белгиланган режа-топшириқларга мувофиқ ўз вақтида қайта ишлаш, ишлаб чиқарилган пахта маҳсулотларини экспортга ва ички бозор истеъмолчиларига етказиб бериш;

- пахта етиштирувчи хўжалиқларни пахтанинг жаҳон бозорида харидоргир бўлган селекция навларининг юқори қондицияли уруғлик чигитлари билан таъминлаш, пахта хом ашёсининг сифатли қабул қилиниши, сақланиши ва қайта ишланишини ташкил этиш;

- Юқори ташкилот томонидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, пахта хом ашёсини харид қилиш ва қайта ишлаш юзасидан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги жамиятлари ва фермер хўжаликлари билан белгиланган тартибда ҳисоб - китоб қилиш;

- пахта хом ашёсини харид қилиш, пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга жўнатиш ва шу маҳсулотларнинг қолдиқлари бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисобот юритиш, пахта хом ашёсини харид қилиш, пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмлари, уни экспортга ва республика истеъмолчиларига сотиш бўйича маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

- пахта тозалаш жамиятини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва ривожлантириш билан шугулланиш.

Акциядорлик жамияти ўзига юқланган вазифалардан қелиб чиқиб, қуйидаги функцияларни бажаради:

- хизмат қўрсатувчи банк билан биргаликда пахта хом ашёси харид қилиш юзасидан пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги жамиятлари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузади, уларнинг бажарилишини таъминлайди. Тайёрланган пахтанинг миқдори ва сифати бўйича маълумотларнинг ишончлилигини таъминлайди;

- пахтанинг навлар бўйича жойлаштирилиши, уруглик пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш технологиясига риоя этилишини таъминлайди;

- жамиятнинг банкда очилган махсус ҳисоб раками орқали, кишлок хўжалиги жамиятлари ва фермер хўжаликлари билан белгиланган тартибда, пахтани қайта ишлаш ва махсулотни сотиш тугаллангандан кейин, узил-кесил ҳисоб-китоб қилади;

- пахта махсулотининг экспортга ва республика истеъмолчиларига жўнатилишини ташкил этади;

- пахта етиштирувчи хўжаликларни ва пахта тозалаш жамиятларини молиялаш микдорлари ҳисоб-китобини ҳудудий бирлашмага ўз вақтида тақдим этилишини ҳамда тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таъминлайди;

- контракция шартномалари бажарилиши, пахта тозалаш жамиятси бўйича пахта махсулотлари ишлаб чиқарилиши ва етказиб берилиши ҳажми юзасидан маълумотларни ҳудудий бирлашмага ўз вақтида тақдим этади;

- инвестиция дастурларини амалга оширади, жамиятни замонавийлаштириш ва техник жихатдан қайта жихозлаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бўйича иш ҳажмини бажаради;

- пахта хом ашёсини қайта ишлашнинг технология регламентига риоя этилиши, хом ашё ресурсларидан тугри ва оқилона фойдаланилиши, пахта толаси, чигит ва момикнинг нормативларга мувофиқ чиқиши таъминланиши, ракобатбардош сифатли пахта махсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳамда пахта махсулотлари билан ишлашда ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминлайди;

- пахта хом ашёсини харид қилиш, пахта махсулотлари ишлаб чиқариш, жўнатиш ва унинг қолдиқлари бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисоботларни юритади ҳамда маълумотларни белгиланган тартибга мувофиқ давлат ҳудудий статистика органларига ва бирлашмага тақдим этади;

- жамият фаолияти самарадорлигини ошириш ва ишчи-хизматчиларни керакли кишлок хўжалик махсулотлари, саноат махсулотлари билан таъминлаш мақсадида ушбу махсулотлар билан улгуржи савдо ва транспорт хизмати фаолиятини амалга оширади.

Жамиятнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи таҳлили.

(минг сўмда)

Активлар	31.12.2014 йилга	31.12.2015 йилга	31.12.2016 йилга
Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар	7593410,0	7542817,0	7546312,0
Молиявий активлар	582615,0	642254,0	572765,0
Бошқа узоқ муддатли молиявий активлар	13085,0	14085,0	9085,0
Биологик активлар	21243,0	19543,0	235337,0
Жами оборотдан ташқари активлар	8210353	8218699	8463499
Товар-моддий захиралар	23212418,0	22196710,0	15086675,0
Қисқа муддатли дебиторлик қарзлар	2352133,0	2018523,0	10328975,0

Жорий солиқлар бўйича қисқа муддатли дебиторлик қарзлар	9873,0	15821,0	65374,0
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	957288,0	566287,0	194221,0
Қисқа муддатли жорий активлар			
Жами жорий активлар	26531712,0	24797341,0	25675245,0
Жами активлар	34742065,0	33016040,0	34138744,0

Капитал ва мажбуриятлар	31.12.2014 йилга	31.12.2015 йилга	31.12.2016 йилга
Капитал			
Акциядорлар (устав) капитали	840645,0	840645,0	840645,0
Тақсимланмаган фойда	2236288,0	2520136,0	2394777,0
Эмиссия даромади			
Сотиб олинган ўз акциялари			
Ташкилотнинг бошқа капитали	1544600,0	9545358,0	5709885,0
Резерв капитали	666364,0	243356,0	126097,0
Жами капитал	5287897,0	13149495,0	9071404,0
Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли мажбуриятлар			
Муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари	0	0	4669645,0
Жами узоқ муддатли мажбуриятлар	0	0	4669645,0
Жорий мажбуриятлар			
Қисқа муддатли кредитор қарздорлик	24912658,0	14619120,0	19051696,0
Жорий солиқлар бўйича қисқа муддатли қарздорлик	3944859,0	4867375,0	1276469,0
Меҳнат таътили резерви	596651,0	380050,0	12178,0
Даргумон қарзлар резерви	0	0	57402,0
Жами қисқа муддатли мажбуриятлар	29454168,0	19866545,0	20397695,0
Жами мажбуриятлар	29454168,0	19866545,0	25067340,0
Жами капитал ва мажбуриятлар	34742065,0	33016040,0	34138744,0

Жамият жорий ва узоқ муддатли активларни ҳамда жорий ва узоқ муддатли мажбуриятларни ўзининг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботида алоҳида гуруҳлар сифатида тақдим этади.

Жамият:

- ҳисобот давридан сўнг ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган (қисқа муддатли);
- ҳисобот давридан сўнг ўн икки ойдан ортиқ бўлган (узоқ муддатли)

давр мобайнида қопланиши ёки сўндирилиши кутиладиган суммаларни бирлаштирган ҳолда ўз ичига оладиган ва сатрларда кўрсатиладиган ҳар бир актив ва мажбуриятнинг ўн икки ойдан ортиқ даврдан сўнг қопланадиган ёки сўндириладиган суммасини очиқ беради.

Жамиятнинг 2016 йилда БҲМС бўйича тузилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг узоқ муддатли активлар суммаси 8381435,0 минг сўмни, МҲХС бўйича тузилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг узоқ муддатли активлар суммаси эса **8463499** минг сўмни ташкил этган.

2016 йилда БҲМС бўйича тузилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг узоқ муддатли активлар суммаси 82064,0 минг сўмга ошган. Узоқ муддатли

активлар суммасининг кўпайишига урнатиладиган асбоб-ускуналарнинг суммаси ҳамда хужалик инвентарлари ва жихозлари таркибида асосий воситаларнинг мавжудлиги, уларни асосий воситалар таркибига киртилиши сабаб булган.

Жамият активни қуйидаги ҳолларда жорий сифатида таснифлайди:

- у ўзининг одатий операцион цикли давомида активни пулга айлантиришни мўлжаллаган, сотиш, истеъмол қилишни режалаштирган бўлса;

- у асосан сотиш учун активни ўзида сақласа;

- у активни ҳисобот давридан сўнг ўн икки ой ичида пулга айлантиришни мўлжаллаган бўлса;

- актив пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти бўлса.

Жамият бошқа барча активларни узоқ муддатли сифатида таснифлайди.

Жамиятнинг 2016 йилда БҲМС бўйича тузилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг жорий активлар суммаси 26032044,0 минг сўмни, МҲХС бўйича тузилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг жорий активлар суммаси эса 25675245,0 минг сўмни ташкил этган.

Шу жумладан: товар моддий захиралар 15086675,0 минг сўмни, қисқа муддатли дебиторлик қарзлар 10328975,0 минг сўмни, жорий солиқлар бўйича қисқа муддатли дебиторлик қарзлар 65374,0 минг сўмни, пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари 194221,0 минг сўмни ташкил этган.

Ушбу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, товар-моддий захиралар таннархи биринчи-кирим, биринчи-чиқим (ФИФО) усули ёки ўртача тортилган қиймат формуласи орқали аниқланиши лозим. Жамият, унинг учун бир хил хусусиятга эга бўлган ва бир хил тарзда фойдаланиладиган барча товар-моддий захиралар бўйича бир хил таннархни аниқлаш формуласидан фойдаланиши шарт. Ҳар хил хусусиятга эга бўлган ва ҳар хил йўналишда ишлатиладиган товар-моддий захиралар учун таннархни аниқлаш ҳар хил формулаларидан фойдаланиш мумкин.

Масалан, товар-моддий захиралардан битта операцион сегментда фойдаланиш тарзи жамиятнинг бошқа операцион сегментда шу турдаги товар-моддий захиралардан фойдаланиш тарзидан фарқланиши мумкин. Аммо, товар-моддий захираларнинг географик жойлашувидаги (ёки солиқ қоидаларига нисбатан) фарқ ўз-ўзидан ҳар хил таннарх формулаларидан фойдаланишга асос бўла олмайди.

ФИФО формуласи шуни назарда тутадикки, биринчи сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган товар-моддий захиралар биринчи бўлиб сотилади, ва ўз навбатида, давр охирига бўлган захирадаги моддалар энг охириги сотиб олинган ва ишлаб чиқарилган бўлади. Ўртача тортилган таннарх формуласида, ҳар бир модданинг таннархи, худди шундай моддаларнинг давр бошига бўлган таннархи билан давр давомида сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган худди шундай моддалар таннархининг тортилган ўртача қиймати бўйича аниқланади. Жамиятнинг шарт-шароитларидан келиб чиқиб, ўртача қиймат даврий асосда ёки ҳар бир қўшимча партия олинishi билан ҳисобланиши мумкин.

Жамиятда ФИФО усули қўлланилган.

Жамиятнинг 2016 йилги БҲМС асосида тузилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида акциядорларнинг устав капитали 840645,0 минг сўми, резерв капитали 2257936,0 минг сўми, тақсимланмаган фойда 767091,0 минг сўми, мақсадли тушумлар 5709885,0 минг сўми, жами капитал 9575557,0 минг сўми ташкил этган.

Жамиятнинг 2016 йилги МҲХС асосида тузилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида акциядорларнинг устав капитали 840645,0 минг сўми, резерв капитали 126097,0 минг сўми, тақсимланмаган фойда 2394777,0 минг сўми, ташкилотнинг бошқа капитали 5709885,0 минг сўми, жами капитал 9071404,0 минг сўми ташкил этган.

2016 йилги БҲМС асосида тузилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот билан МҲХС асосида тузилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни таққослаганимизда жами капитал 504153,0 минг сўмга камайган.

Жамият мажбуриятни қуйидаги ҳолларда жорий сифатида таснифлайди:

- у ўзининг одатий операцион цикли давомида мажбуриятни сўндиришни мўлжаллаган бўлса;

- мажбурият ҳисобот давридан сўнг ўн икки ой ичида сўндирилиши лозим бўлса.

Жамият бошқа барча мажбуриятларни узоқ муддатли сифатида таснифлайди.

Жамиятнинг 2016 йилда БҲМС бўйича тузилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг жорий мажбуриятлар суммаси 20328165,0 минг сўми, МҲХС бўйича тузилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг жорий мажбуриятлар суммаси 20397695,0 минг сўми ташкил этган.

Шу жумладан: қисқа муддатли кредитор қарздорлик 19051696,0 минг сўми, жорий солиқлар бўйича қисқа муддатли қарздорлик 1276469,0 минг сўми ташкил этган.

Жамиятнинг 2016 йилги МҲХС асосида тузилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи баланс валютаси 34138744,0 минг сўми, шу жумладан узоқ муддатли активлар 8463499,0 минг сўми, жорий активлар 25675245,0 минг сўми ташкил этади. Жамиятнинг соф активлари 9071404,0 минг сўми ташкил этган.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг таҳлили.

Фойда (зарар) (минг сўмда)	(минг сўмда)	
	2015 йил бўйича	2016 йил бўйича
Тушум	41404548,0	41603719,0
Сотиш таннархи	(36523640,0)	(36681634,0)
Жами ялпи фойда	4880908,0	4922085,0
Бошқа даромадлар	89985,0	38148,0
Тижорат харажатлари	(163338,0)	(106147,0)
Бошқарув харажатлари	(1141992,0)	(1308473,0)
Бошқа харажатлар	(2434386,0)	(2874714,0)
Асосий фаолиятдан фойда(зарар)	1231177,0	670899,0
Амортизацияланадиган қиймати бўйича ҳисобга олинадиган молиявий активларни чиқиб кетишидан		

фойда(зарар)лар	47185	0
Молиявий даромадлар	(523937,0)	(444354,0)
Молиявий харажатлар	754425	226545
Солиққа тортилгунча фойда (зарар)	(128719,0)	(95177,0)
Фойда солиғи харажатлари	625706,0	131368,0
Жами фойда (зарар)	0	2131839,0
Бошқа умумлашган даромад:		
Келгусида фойда ва зарарларда қайта таснифланмайдиган моддалар:		
Асосий воситаларни қайта баҳолашдан фойда (зарар)	0	2131839,0
Қарам компанияларнинг бошқа умумлашган даромаддаги улуши		
Келгусида фойда ва зарарларда қайта таснифланмайдиган моддалар бўйича фойда солиғи	0	(159888,0)
Келгусида фойда ва зарарларда қайта таснифланадиган моддалар:		
Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар		
Ҳаққоний қийматнинг ўзгаришидан фойда (зарар)		
Сотишдан олинган фойда (зарар)		
Келгусида фойда ва зарарларда қайта таснифланадиган моддалар бўйича фойда солиғи		
Солиқлар чегирилган ҳолда йиллик умумлашган даромад:	0	1971951,0
ЖАМИ умумлашган даромад		
Йиллик фойда (зарар)	625706,0	2103319,0
Битта акцияга фойда (зарар)	1451,4	4879,0

Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот (умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот), фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар бўлимларига қўшимча тарзда, қуйидагиларни тақдим этади:

- а) фойда ёки зарар;
- б) жами бошқа умумлашган даромадлар;
- в) жами фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадларни қамраб олган ҳолда, давр учун умумлашган даромадлар.

Жамият, фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар бўлимларига қўшимча тарзда, давр фойдаси ёки зарари ва бошқа умумлашган даромадларининг тақсимланиши сифатида қуйидаги моддаларни очиб беради:

- а) қуйидагиларга тегишли бўлган давр фойдаси ёки зарари:
 - назорат кучига эга бўлмаган улушлар,
 - бош ташкилотнинг мулк эгалари.
- б) давр учун қуйидагиларга тегишли бўлган умумлашган даромадлар:
 - назорат кучига эга бўлмаган улушлар, ва
 - бош ташкилотнинг мулк эгалари.

Жамият фойда ёки зарарни алоҳида ҳисоботда тақдим этганида - назорат кучига эга бўлмаган улушлар, бош ташкилотнинг мулк эгаларини ушбу ҳисоботда тақдим этиши лозим.

Фойда ёки зарар бўлимида ёки фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этиладиган маълумотларга қўшимча тарзда, фойда ёки зарар бўлими ёки

фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисобот давр учун қуйидаги суммаларни акс эттирадиган, сатрларда кўрсатиладиган моддаларини ўз ичига олади:

- одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад;
- амортизацияланган қиймат бўйича ҳисобга олинадиган молиявий активларни тан олишни тўхтатишдан юзага келадиган фойда ва зарарлар;
- молиявий харажатлар;
- улуш бўйича ҳисобга олиш усули бўйича ҳисобга олинган қарам тадбиркорлик субъектларининг ва қўшма корхоналарининг фойда ёки зараридаги улуши;
- агар молиявий актив қайта таснифланиб, ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олинадиган бўлса, олдинги баланс қиймати билан унинг қайта таснифлаш санасидаги ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқдан юзага келадиган ҳар қандай фойда ёки зарар;

- солиқ харажати;
- жами тугатилган фаолиятлар бўйича ягона сумма.

МХХС бошқа ҳолларда талаб этилмаганда ёки рухсат берилмаганда, Жамият давр учун даромад ва харажатнинг барча моддаларини фойда ёки зарарда тан олади.

2016 йилда МХХС га мувофиқ тузилган фойда ва зарарлар, бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда асосий фаолиятнинг фойдаси 670899,0 минг сўмни, жами фойда 2103319,0 минг сўмни ташкил этган.

Асосий фаолият фойдаси ва йиллик фойданинг купайишига асосий воситаларнинг купайиши ҳамда БХМС асосида тузилган молиявий ҳисоботлардаги келгуси давр харажатлари жиддий таъсир кўрсатган.

Фойда ва зарарлар, бошқа умумлашган даромадлар ҳисоботида тушум 41603719,0 минг сумни, сотиш таннархи 36681634,0 минг сумни, бошқа даромадлар 38148,0 минг сумни, тижорат харажатлари 106147,0 минг сумни, бошқарув харажатлари 1308473,0 минг сумни, бошқа харажатлар 2874714,0 минг сумни ташкил этган.

БХМС асосида тузилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот курсаткичлари билан таккосланганда куйидагича узгаришлар юз берган. Бошқа харажатлари МХХС асосида тузилган фойда ва зарарлар, бошқа умумлашган даромадлар ҳисоботида 322838,0 минг сум ошганлиги асосий фаолият фойдасининг камайишига сабаб булган. Резерв капитал таркибидаги асосий воситаларни қайта баҳолашдаги фарқ суммаси эса соф фойданинг ошишига сабаб булган.

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботининг таҳлили

(минг сўмда)

	2015 йил бўйича	2016 йил бўйича
Операцион фаолият бўйича пул маблағлари оқими		
товарларни сотиш, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан тушум	32116224,0	42015805,0
товар, иш, хизматларни етказиб берувчиларга тўловлар	(25249080,0)	(38584914,0)

4

Ишчи ходимлардан тўловлар	0	246941
ишчи ходимларга тўловлар	(1849335)	(2313278,0)
операцион фаолият бўйича бошқа пул маблағлари тўловлари	(5388094,0)	(308876,0)
Жорий муомалалар бўйича жами пул маблағлари оқими	(370285,0)	1055678,0
тўланган (қопланган) фойда солиғи		
Операцион фаолият деб таснифланадиган бошқа пул маблағларининг тушуми (тўлови)	426820,0	1628904,0
Операцион фаолият бўйича жами пул маблағлари оқими	56535,0	2684582,0
Инвестицион фаолият бўйича пул оқимлари		
асосий воситаларни сотишдан тушум	156658	
асосий воситаларни сотиб олиш бўйича тўловлар	(534438,0)	(34564,0)
Инвестицион фаолият бўйича жами пул маблағлари оқими	(377780,0)	(34564,0)
Молиявий фаолият бўйича пул маблағлари оқимлари		
кредит ва қарзлар кўринишидаги тушумлар		1610000,0
кредит ва қарзларни қайтариш		(125000,0)
Олинган фоизлар	1033	
олинган дивидендлар	92752	437
тўланган дивидендлар	(126254,0)	(33118,0)
тўланган фоизлар		(444354,0)
тўланган (қопланган) фойда солиғи	(10000,0)	(39555,0)
Молиявий фаолият бўйича бошқа пул маблағлари оқими	(27287,0)	(3990493,0)
Молиявий фаолият бўйича жами пул маблағлари оқими	(69756,0)	(3022083,0)
Курс фарқларини ҳисобга олгунга қадар жами пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ўсиши (камайиши)		
Курс фарқларининг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари ҳажмига таъсири		
Жами пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ўсиши (камайиши)	(391001,0)	372065,0
Давр бошига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг қолдиғи	957288,0	566287,0
Давр охирига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг қолдиғи	566287,0	194221,0

Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотлар, фойдаланувчилар томонидан жамиятнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳосил қилиш қобилияти ҳамда жамиятнинг ушбу пул оқимларидан фойдаланиш эҳтиёжи баҳоланиши учун асос яратадилар. БҲХС 7 пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларини тақдим этиш ва очиқ бериш учун талабларни белгилайди.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, бошқа молиявий ҳисоботлар билан биргаликда фойдаланилганда, фойдаланувчиларга жамиятнинг соф активларидаги ўзгаришларни, уларнинг молиявий структураси (ликвидлиги ва тўлов қобилияти)ни ва ўзгараётган имкониятлар ва шароитларга мослашиш мақсадида ўзининг пул оқимлари суммаси ва муддатларига таъсир кўрсата олиш қобилиятини баҳолаш учун маълумот билан таъминлайди. Пул оқимлари

тўғрисидаги маълумотлар жамиятнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини келтириб чиқариш имкониятларини баҳолашда фойдалидир ҳамда фойдаланувчиларга ҳар хил хўжалик юритувчи субъектларга тегишли келгуси пул оқимларининг келтириланган (дисконтланган) қийматини баҳолаш ва солиштириш моделларини ишлаб чиқиш имконини беради. У, шунингдек, турли хил хўжалик юритувчи субъектларнинг операцион фаолияти кўрсаткичлари ҳақидаги ҳисоботларининг қиёсланувчанлигини оширади, чунки у бир хил операция ва ҳодисаларнинг турлича ҳисобга олиниши оқибатларини бартараф қилади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот давр давомидаги пул оқимларини операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятлар бўйича таснифланган ҳолда кўрсатиши керак.

Жамият ўзининг операцион, инвестицион ва молиявий фаолияти бўйича пул оқимларини ўзининг фаолиятига хос равишда кўрсатади. Фаолият тури бўйича таснифлаш фойдаланувчиларга ушбу фаолиятларнинг жамият молиявий ҳолатига таъсирини баҳолаш ва унинг пул маблағлари ва эквивалентларининг суммасини аниқлаш имконини берувчи ахборотни таъминлайди. Бу ахборотдан, шунингдек, ушбу фаолиятлар ўртасидаги ўзаро алоқани баҳолаш учун фойдаланиш мумкин.

Операцион фаолият натижасида келиб чиқадиган пул оқимларининг суммаси - жамият, молиялаштиришнинг ташки манбаларига мурожаат қилмасдан, ўз операцион фаолиятидан юзага келган қарзларини тўлаш, ўзининг операцион фаолиятини амалга ошириш қобилиятини сақлаш, дивидендларни тўлаш ва янги инвестициялар қилиш учун етарли бўлган пул оқимларини қай даражада ҳосил қилганлигини акс эттирувчи асосий кўрсаткичдир. Операцион фаолиятдан олдинги даврларда келиб чиққан пул оқимларининг алоҳида таркибий қисмлари тўғрисидаги маълумот, бошқа маълумотлар билан биргаликда, операцион фаолият бўйича ҳосил бўладиган келгуси пул оқимларини прогноз қилишда фойдалидир.

Операцион фаолият бўйича пул оқимлари асосан жамиятнинг асосий даромад келтирувчи фаолиятидан келиб чиқади. Бинобарин, улар асосан фойда ёки зарарни аниқлашда иштирок этадиган операциялар ёки бошқа ҳодисалар натижасида келиб чиқади. Операцион фаолиятдан пул оқимларига қуйидагилар мисол бўлади:

- (а) товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатишдан келиб тушган пул маблағлари;
- (б) роялти, хизматлар ҳақи, комисион тўловлар ва бошқа даромадлар кўринишида келиб тушган пул маблағлари;
- (в) мол етказиб берувчиларга товарлар ва хизматлар учун тўловлар;
- (г) ходимларга ва ходимлар номидан тўловлар;
- (д) суғурта ташкилотининг суғурта полислари бўйича мукофотлари ва талабларлари, аннуитетлар ва бошқа суғурта тўловлари бўйича пул тушумлари ва пул тўловлари;
- (е) фойда солиғи бўйича тўловлар ҳамда солиқларнинг қайтарилиши, агар улар молиявий ёки инвестицион фаолият билан аниқ боғлиқ бўлмаса; ва

(ё) воситачилик ёки олди-сотди мақсадларида тузилган шартномалар бўйича пул тушумлари ва тўловлари.

Асосий воситани сотиш каби айрим операциялар, тан олинадиган фойда ёки зарарга киритиладиган фойда ёки зарарга олиб келиши мумкин. Бундай операцияларга тааллуқли пул оқимлари инвестицион фаолиятдан пул оқимлари бўлиб ҳисобланади. Аммо, БҲХС 16 “Асосий воситалар” ижарага бериш ва кейинчалик сотиш учун мўлжалланган активларни ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш учун қилинадиган тўловлар операцион фаолиятдан пул оқимларидир. Бундай активларни ижарага бериш ва кейинчалик сотишдан олинадиган пул тушумлари ҳам операцион фаолиятга тегишли пул оқимларидир.

Жамият қимматли қоғозлар ва қарзларни воситачилик ёки олди-сотди мақсадида сотиб олиши мумкин, бундай ҳолда, улар айнан қайта сотиш учун сотиб олинадиган товар-моддий заҳираларга тенглаштирилиши мумкин. Шунинг учун, воситачилик ёки олди-сотди учун мўлжалланган қимматли қоғозларнинг олди-сотдисидан келиб чиқадиган пул оқимлари операцион фаолият сифатида таснифланади. Худди шу тариқа, молиявий институтлар томонидан бериладиган бўнақлар ва кредитлар, одатда, операцион фаолияти сифатида таснифланади, чунки улар бундай жамиятнинг асосий даромад келтирувчи фаолиятига тегишлидир.

2016 йилда жамиятни пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисоботининг оператив фаолият бўйича пул маблағлари моддасида 43891650,0 минг сўм кирим, 45237116,0 минг сўм чиқим бўлган.

Операцион фаолияти бўйича жамиятнинг жами пул маблағлари оқими 1345466,0 минг сўмни ташкил этган.

Инвестицион фаолият натижасидаги пул оқимларини алоҳида очиб бериш муҳимдир, чунки бундай пул оқимлари келажакдаги даромад ва пул оқимларини олиш учун мўлжалланган ресурслар учун қанча харажатлар сарфланганини акс эттиради. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда актив тан олиншига олиб келадиган харажатларгина инвестицион фаолият сифатида таснифланиши мумкин. Инвестицион фаолият натижасида келиб чиқадиган пул оқимларининг мисоллари қуйида келтирилган:

(а) асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун қилинган тўловлар. Бу тўловларга, шунингдек, тажриба-конструкторлик ишларига ажратилган ва капиталлаштириладиган харажатлар ва ўз кучлари билан (хўжалик ҳисоби усулида) қўрилган асосий воситалар бўйича тўловлар киради;

(б) асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотишдан келган пул тушумлари;

(в) бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг улушли ёки қарз инструментларини сотиб олиш ҳамда қўшма корхоналарда улушга эга бўлиш учун амалга оширилган тўловлар (пул маблағлари эквивалентлари бўлиб ҳисобланадиган ёки воситачилик ва олди-сотди учун мўлжалланган инструментлар учун қилинган тўловлардан ташқари);

(г) бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг улушли ёки қарз инструментларини ва қўшма корхоналардаги улушларни сотишдан келган пул тушумлари (пул маблағлари эквивалентлари бўлиб ҳисобланадиган ёки воситачилик ва олди-сотди учун мўлжалланган инструментлар бўйича келган тушумлардан ташқари);

(д) бошқа томонларга берилган бўнақлар ва қарзлар (молиявий институтлар томонидан берилган бўнақлар ва қарзлардан ташқари);

(е) бошқа томонларга берилган бўнақлар ва қарзларнинг қайтарилиши натижасидаги пул тушумлари (молиявий институтлар томонидан берилган бўнақлар ва қарзлардан ташқари);

(ё) фючерс шартномалари, форвард шартномалари, опцион шартномалари ва своп шартномалари бўйича пул тўловлари, бундан бу шартномалар воситачилик ёки олди-сотди учун мўлжалланган ҳолатлар, ёки тўловлар молиявий фаолият сифатида таснифланадиган ҳолатлар мустасно; ва

(ж) фючерс шартномалари, форвард шартномалари, опцион шартномалари ва своп шартномалари бўйича пул тушумлари, бундан бу шартномалар воситачилик ёки олди-сотди учун мўлжалланган ҳолатлар, ёки тўловлар молиявий фаолият сифатида таснифланадиган ҳолатлар мустасно.

Инвестицион фаолият бўйича жами пул маблағлари 34564,0 минг сумни ташкил этган.

Молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини алоҳида кўрсатиш муҳимдир, чунки бу жамиятнинг капитал билан таъминловчилар томонидан келгуси пул оқимларига бўлган талабларни башорат қилиш учун фойдалидир. Молиявий фаолият натижасида келиб чиқадиган пул оқимларининг мисоллари қуйида келтирилган:

(а) акциялар ёки бошқа улушли инструментларни чиқаришдан келадиган пул тушумлари;

(б) жамиятнинг акцияларини сотиб олиш ёки муомаладан чиқариш учун мулк эгаларига тўловлар;

(в) қарз мажбуриятларини чиқариш, қарзлар бериш, векселлар, облигациялар, ипотекалар ва бошқа қисқа муддатли ёки узоқ муддатли қарз мажбуриятларини чиқаришдан олинган пул тушумлари;

(г) қарзлар бўйича тўловлар; ва

(д) ижарага олувчи томонидан молиявий ижара бўйича асосий мажбуриятини камайтириш учун қилинадиган тўловлар.

2016 йилда жамиятнинг молиявий фаолияти бўйича жами пул маблағлари оқими 1007965,0 минг сўмни ташкил этади. Шу жумладан, кредит ва қарзлар қуранишидаги тушумлар 1610000,0 минг сум, кредит ва қарзларни қайтариш учун 125000,0 минг сўм, дивидендларни тўлаш учун 33118,0 минг сўм, фоизларни тўлаш учун 444354,0 минг сўм, молиявий фаолият бўйича бошқа пул маблағлари кирими 437,0 минг сум ҳисобланади.

2016 йилда жами пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини камайиши 372065,0 минг сўмни ташкил этган. 2016 йил давр бошига пул маблағлари ва

уларнинг эквивалентларининг қолдиғи 566287,0 минг сўми, давр охирига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг қолдиғи 194221,0 минг сўми ташкил этган.

Капитал бухгалтерия балансида кичикроқ гуруҳларга ажратилиши мумкин. Масалан, акционерлик жамиятида, акциядорлар томонидан қўйилган маблағлар, тақсимланмаган фойда, тақсимланмаган фойдадан ажратилган резервлар, ва капитални сақлаб туриш билан боғлиқ тузатишлари ифодаловчи резервлар алоҳида кўрсатилиши мумкин. Бундай таснифлаш молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг қарор қабул қилишга оид талаблари учун ўринли бўлиши мумкин, қачон-ки улар жамиятнинг капитални тақсимлаш ёки бошқача равишда ишлатиш қобилияти юридик ёки бошқача чекланганлигини кўрсатса. Улар, шунингдек, жамият мулкида ҳиссага эга бўлган томонлар дивидендлар олиш ёки киритилган капитални қайтариб олиш бўйича бир биридан фарқ қиладиган ҳуқуқларга эга бўлишини акс эттиради.

Резервларни яратиш, баъзида жамият ва унинг кредиторларини зарар олиш оқибатларидан қўшимча ҳимоялаш чораси сифатида қонунчилик томонидан талаб этилади. Бошқа резервлар, агарда миллий солиқ қонунчилиги бундай резервларга маблағлар ўтказилганида солиқ мажбуриятдан озод қилиниши ёки уни камайтирилишига рухсат берса, ҳам яратилиши мумкин. Бундай юридик, қонунчилик ва солиқ томонидан талаб этиладиган резервларнинг мавжудлиги ва катталиги фойдаланувчиларнинг қарор қабул қилиши билан боғлиқ талаблари учун ўринли бўлиши мумкин бўлган ахборотдир. Бундай резервларга ўтказиладиган суммалар харажатларни эмас, балки тақсимланмаган фойданинг битта қисмини ташкил этади.

Капиталнинг бухгалтерия балансида кўрсатиладиган суммаси активлар ва мажбуриятларнинг баҳоланишига боғлиқ. Одатда, капиталнинг умумий суммаси фақат тасодифан тўғри келгани учун тадбиркорлик субъекти акцияларининг умумий бозор қийматига ёхуд соф активларни қисмларга бўлиб сотиш ёки жамиятни бутунлигича фаолият узлуксизлиги асосида сотишдан тушган суммага тенг бўлади.

Активлар ва мажбуриятларнинг қайта баҳоланиши ёки қайта ҳисобланиши капиталнинг ўсиши ёки камайишига олиб келади. Бундай кўпайиш ёки камайиш даромадлар ва харажатлар таърифига мос келса ҳам, улар капитални сақлаб туриш билан боғлиқ маълум концепцияларига мувофиқ фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга киритилмайди. Бунинг ўрнига ушбу моддалар капиталга капитални сақлаб туришга доир тузатишлар ёки қайта баҳолаш бўйича резервлар сифатида киритилади.

г

Капитал ўзгариши ҳақида ҳисобот

(минг сўмда)

2016 йил бўйича	Капитал таркиби								
	Компания мулкдорлари капитали							Назорат қилинган бўлган улус	Жами капитал
	Акционер (устав) капитал	Эмиссион даромад	Акционерлардан сотиб олинган ўз акциялари	Ташкилотнинг бошқа капитали	Бошқа резерв капитали	Тақсимланмаган фойда	Жами компания мулкдорлари капитали		
Капиталнинг олдинги ҳолати	840645,0			1664666,0	546298,0	2236288,0	5287897,0		
МХХС талаблари бўйича ҳисоб сиёсатини ўзгартириш натижасида кўпайиши (камайиши)									
Ҳисоб сиёсатини ихтиёрий ўзгартириш натижасида кўпайиши (камайиши)									
Ўтган даврларга тузатиш киритиш натижасида кўпайиши (камайиши)				7880692,0	(302942,0)	283848,0	7861598,0		
Давр бошига капитал	840645,0			9545358,0	243356,0	2520136,0	13149495,0		
Капиталнинг ўзгариши									
Фойда (зарар)						2103319,0	2103319,0		
Бошқа умумлашган даромад									
Жами умумлашган даромад									
Капитални ошириш (акция чиқариш)									
Мулкдорларга тўланган						(33118,0)	(33118,0)		
Мулкдорларнинг бошқа қўйилмалари натижасида кўпайиш (камайиш)									
Мулкдорларга тақсимлаш натижасида камайиш									
Акционерлардан сотиб олинган ўз акциялари билан операциялар натижасида ўсиш (камайиш)									
Назоратни йўқотмасдан эгаллик фоизининг ўзгариши натижасида ўсиш (камайиш)									
Акциялардан фойдаланиб тўловларни амалга ошириш натижасида ўсиш (камайиш)									
Бошқа ўзгаришлар натижасида ўсиш (камайиш)				(3835473,0)	(117259,0)	(2195560,0)	(6148292,0)		
Жами капиталнинг ўсиши (камайиши)				(3835473,0)	(117259,0)	(125359,0)	(4078091,0)		
Давр охирига капитал	840645,0			5709885,0	126097,0	2394777,0	9071404,0		

Жамиятнинг 2016 йил капитал ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботнинг капиталнинг олдинги ҳолати қисмида акционерлар капитали 840645,0 минг сўмни, резерв капитали 546298,0 минг сўмни, тақсимланмаган фойда 2236288,0 минг сўмни, бошқа капитал 1664666,0 минг сўмни, жами капитал 5287897,0 минг сўмни ташкил этган.

Давр бошига эса қуйидагича ўзгариш содир бўлган: акционерлар капитали 840645,0 минг сўмни, тақсимланмаган фойда 2520136,0 минг сўмни, бошқа резерв

J

капитали **243356,0** минг сумни, бошка капитал 9545358,0 минг сумни, жами капитал **13149495,0** минг сўмни ташкил этган.

Дар охирига эса куйидагича ўзгариш содир бўлган: акционерлар капитали **840645,0** минг сўмни, резерв капитали 126097,0 минг сўмни, тақсимланмаган фойда **2394777,0** минг сўмни, бошка капитал 5709885,0 минг сумни, жами капитал **9071404,0** минг сўмни ташкил этган.

Якуний қисм.

Аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш буйича тавсиялар:

1. Жамиятда БХХС ҳамда МХХС ларини кенг жорий этиш ва назорат урнатиш.
2. Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга утказиш коидаларига ва услубларига тула риоя қилиш.
3. Тушунтириш қисми изохларни тула ёритиш.
4. МХХС га мувофиқ тайёрланган ҳисоб сиёсатига тула амал қилиш.
5. Аудитор ҳисоботида курсатилган хато – камчиликларни тугатиш.

Аудитор:



З. Эргашева

Узбекистон Республикаси
Кашкадарё вилояти
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
"AUDIT-HISOB MARKAZI"
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзил: Кашкадарё вилояти, Карши шаҳри, 180100, Мустақиллик-2, тел. +99891-4603010
Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича МВ нинг 2008 й. 14 мартдаги АФ №00376 рақамли лицензиясига эга.

**«MUBORAK PAXTA TOZALASH» AJ нинг
2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботиغا
ИЗОХЛАР БИЛАН ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Буюртмачи: «Muborak paxta tozalash» AJ.

СТИР рақами: 202 619 115

Манзил: Муборак тумани, Сардоба қургони

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Кашкадарё вилояти, Карши шаҳри, 7-миттитуман, 8/27-уйда жойлашган, СТИР рақами 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Кашкадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) аудитори Кодиркулов Ойбек Турдибоевич (аудитор малака сертификати рақами № 05240, санаси 16.08.2014) томонидан «Muborak paxta tozalash» AJ нинг баланс, молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботдан иборат 31.12.2016 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан утказдим.

Хужалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хужалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги утказилган утказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Muborak paxta tozalash» AJ ташкилотининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан утқаздик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари буйича бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ утқаздик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб қурсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утқазилганини тақозо этади.

Handwritten signature and stamp

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган изоҳлар билан фикр билдириш учун асос буладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра иш ҳақидан даромад солиғи 13140.8 минг сўм кам ҳисобланганлиги ҳамда пенсия жамгармасига сугурта бадали ажратмаси буйича 4285.0 минг сўм кам ҳисобланганлиги аниқланди. Бунинг оқибатида, мос равишда 2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, солиқ ва мажбурий ажратмалардан қарздорлиги ошади. Умуман олганда, ушбу сумма молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларнинг таъсирини баҳолаш учун ўрнатилган муҳимлилик даражасидан ошмайди.

Изоҳлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос буладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари “Muborak paxta tozalash” АЖ нинг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик жиҳатлари буйича унинг молиявий-ҳўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари :



З.Эргашева

Аудитор : -

О. Кодиркулов

2017 йил, 17 апрель

**«Muborak paxta tozalash» AJ ning
2016 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий
ҳисоботларини аудит текшируви юзасидан**

АУДИТОР ҲИСОБОТИ

Мундарижа:

Кириш қисми

1. Аудиторлик ташкилоти реквизитлари
2. Бажарилган иш баёни

Тахлилий қисм

3. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари ҳолати
4. Бухгалтерия ҳисоби текшируви натижалари

Яқуний қисм

5. Фикр ва мулоҳазалар
6. Таклиф ва тавсиялар

1. Кириш қисми

Мазкур ҳисобот «Muborak paxta tozalash» АЈнинг 2016 йилги молиявий ҳисоботларни аудит текширувидан утказиш юзасидан ёзма баёни ҳисобланади

1.1. Умумий маълумотлар.

Аудиторлик текшируви буюртмачиси	«Muborak paxta tozalash» АЈ
Аудиторлик текшируви мақсади	2016 йил учун тузилган молиявий ҳисоботлар тўғрилиги (ишончилиги)ни, шу даврда амалга оширилган молия-хўжалик муомалаларининг амалдаги Бухгалтерия ҳисоби қонун ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш
Аудиторлик текшируви ўз ичига қамраб олган давр	2016 йил 1 январдан 31 декабрга қадар
Аудиторлик текшируви ўтказилган сана	2017 йил 10 апрел – 17 апрел
Аудиторлик ҳисоботи тузилган сана	2017 йил 17 апрел
Аудиторлик текширувининг тури	Мажбурий аудит
Аудиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича лицензияси	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Аудитор фаолиятини амалга ошириш учун лицензияси АФ №00376, 2008 йил 14 мартда берилган (чекланмаган муддатга).
Лицензия тури	Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказишга ҳақли

Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва реквизитлари:

Аудиторлик ташкилоти (Бажарувчи).

Тўлиқ номи	МЧЖ шаклидаги “Audit-hisob markazi” аудиторлик ташкилоти
Давлат рўйхатидан ўтганлиги	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 25.12.2000 й.да 42-тартиб рақами билан рўйхатдан утган.
Ҳуқуқий манзили	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 2-уй.
Почта манзили	Қарши шаҳри, 7-миттитуман, 8/27.
СТИР рақами	203798660
ОКОНХ коди	84400
Телефон рақамлари	227-79-56, +99893-5253323
Электрон почта	zaudit@mail.ru
Банк реквизитлари	ТИФ Миллий банки Қарши шаҳри
МФО коди	00150
Ҳисоб рақам	2020 8000 1041 5388 2001

у

Буюртмачи корхона:

Тулик номи	«Muborak paxta tozalash» AJ
Хукукий манзили	Муборак тумани, Сардоба курғони.
Почта манзили	Муборак тумани, Сардоба курғони.
СТИР рақами	202 619 115
ОКОНХ коди	71111
Телефон рақамлари	275-01-68
Банк реквизитлари	АТБ Агро банк, Муборак филиали
МФО коди	00187
Ҳисоб рақам	20210000903904350001

2. В а з и ф а в а у с у л л а р

Мазкур аудитни утказишдан мақсад – «Muborak paxta tozalash» AJ да 2016 йил 1 январдан 2016 йил 31 декабр мобайнида утказилган хужалик-молиявий операцияларининг конунийлиги, тузилган молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги, туликлиги, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг амалдаги меъёрларига амал килинганлиги юзасидан фикр билдиришдир.

Аудит текшируви Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги Қонуни (26.05.2000 й.), Аудит Миллий андозалари ҳамда Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи бошқа меъёрий хужжатлар қоидаларига мувофиқ утказилди.

аудит жараёнида хужжатли текшириш усули қулланилиб, ҳисоботлар қуйидаги ҳажмларда қуриб чиқилди:

- йиллик молиявий ҳисоботлар – шаклий ва арифметик жиҳатдан, горизонтал ва вертикал тарзда;
- ҳисоб юритишнинг қабул қилинган журнал-ордер тизими бўйича бирламчи хужжатларни аудит текшируви учун зарур бўлган ҳажмда танланма тартибда;
- бошқа ишлаб чиқариш омилларининг ҳисоб тизимига таъсирини баҳолаш – танланма тартибда.

аудит текширувини утказиш мобайнида қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилди:

- Ўзбекистон Республикасининг Аудит миллий андозалари;
- Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тугрисида» ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонуни;
- Юридик шахсларни солиққа тортиш бўйича амалдаги меъёрий хужжатлар;
- Утказилган текширувлар бўйича далолатномалар;
- Жамият ходимлари тайёрлаган маълумотномалар;
- Бошқа ахборотлар.
- Юқоридагиларга мувофиқ ҳамда жамият билан тузилган шартномага асосан МЧЖ «Audit-hisob markazi» аудиторлик ташкилоти «Muborak paxta tozalash» AJ (кейинги уринларда «жамият» дейилади) 2016 йилдаги молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан утказди.
-
- Қуйида 3-сон «Аудитни режалаштириш» аудит миллий андозаси 1- ва 2-иловаларига қура «Muborak paxta tozalash» AJ да аудиторлик текшируви утказиш режа-графикини илова қилинади:

Аудиторлик текшируви режа-графики

Текшириладиган корхона: «Muborak paxta tozalash» AJ

Аудит даври: 2016 й. 1 январдан 2016 й. 31 декабрга қадар.

Аудиторлар гуруҳи таркиби: О. Кодиркулов

4



Режалаштирилаётган аудиторлик хатари: баланс валютасидан 5%. яъни 1720673,9 минг сумни ташкил этади.

Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси: 5 %.

Тр	Режалаштирилган иш тури	Утказиш даври	Бажарувчи	Изох
1	Корхонанинг ҳисоб сиёсати билан Танишиш	1 кун	аудитор	
2	Товар айланишини аниклаш, махсулотларни сотиш хажмини аниклаш	2 кун	аудитор	
3	Тахлилий ишлар	7 кун	аудитор	

- АУДИТ ДАСТУРИ

тр	Аудиторлик амаллари руйхати	Бажарувчи	Аудитор иш хужжатлари	Изох
1	Таъсис хужжатларини текшириш	аудитор	Устав	
2	Бухгалтерия ҳисоби ташкил этилиши, ҳисоботлар ҳолатини текшириш	аудитор	Ҳисоб сиёсати	
3	Узок муддатли инвестициялар ҳисоби	аудитор, аудитор	0600-счёт	
4	Капитал куйилмалар ҳисоби	аудитор,	0800-счёт	
5	Хом-аше ва материаллар ҳисоби	аудитор	Бухгалтерия регистрлари	
6	Касса операциялари ҳисоби	аудитор,	Касса дафтари, ҳисоботлари	
7	Ҳисоб ракамдаги операциялар ҳисоби	аудитор	2-журнал-ордер	
8	Мол етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан муомалалар ҳисоби	аудитор	6000, 4000, 4110, 6100 счётлар	
9	Бюджет билан ҳисоблашишлар аудити	аудитор	Баланс ҳисоботи, ҳисоб-китоблар	
10	Молиявий натижалар, даромад ва харажатлар аудити	аудитор	Баланс ҳисоботи 2-шакл ҳисобот	

3. Тахлилий қисм

Жамият ташкил этилишининг ҳукукий асослари.

Кашкадарё вилояти «Muborak paxta tozalash» акциядорлик жамияти (кейинги уринларда «Акциядорлик жамияти» деб аталувчи) нинг Низоми «Muborak paxta tozalash» акциядорлик жамияти акциядорларининг 2016 йил 30 июндаги умумий йигилиш қарори ҳамда Кашкадарё вилоят Муборак туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари курсатувчи «Ягона дарча» марказининг 2016 йил 26 июлдаги 1331 – ракам билан руйхатга олинган.

«Muborak paxta tozalash» акциядорлик жамияти уз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа

 

конунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва Фармойишлари ва уз Низоми асосида иш юритади.

- пахта хом ашёси харид қилиш, қайта ишлаш, бозор механизмларини ривожлантириш, жаҳон бозорида рақобатга бардошли юқори сифатли пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва шу орқали пахта тозалаш жамиятининг иктисодий самарадорлигини кучайтириш ва фойда олиш;

- пахта хом ашёсини харид қилиш ва қайта ишлаш юзасидан пахта етиштирувчи кишлок хўжалиги жамиятлари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузиш;

- тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ пахта хом ашёсини харид қилиш ва уни белгиланган режа-топшириқларга мувофиқ ўз вақтида қайта ишлаш, ишлаб чиқарилган пахта маҳсулотларини экспортга ва ички бозор истеъмолчиларига етказиб бериш;

- пахта етиштирувчи хўжаликларни пахтанинг жаҳон бозорида харидоргир бўлган селекция навларининг юқори кондицияли уруглик чигитлари билан таъминлаш, пахта хом ашёсининг сифатли қабул қилиниши, сакланиши ва қайта ишланишини ташкил этиш;

- юқори ташкилот томонидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, пахта хом ашёсини харид қилиш ва қайта ишлаш юзасидан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ пахта етиштирувчи кишлок хўжалиги жамиятлари ва фермер хўжаликлари билан белгиланган тартибда ҳисоб - китоб қилиш;

- пахта хом ашёсини харид қилиш, пахта толаси ва бошка пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга жўнатиш ва шу маҳсулотларнинг қолдиқлари бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисобот юритиш, пахта хом ашёсини харид қилиш, пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмлари, уни экспортга ва республика истеъмолчиларига сотиш бўйича маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

- пахта тозалаш жамиятини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва ривожлантириш билан шугулланиш.

Акциядорлик жамияти ўзига юқланган вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги функцияларни бажаради:

- хизмат кўрсатувчи банк билан биргаликда пахта хом ашёси харид қилиш юзасидан пахта етиштирувчи кишлок хўжалиги жамиятлари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузади, уларнинг бажарилишини таъминлайди. Тайёрланган пахтанинг миқдори ва сифати бўйича маълумотларнинг ишончлилигини таъминлайди;

- пахтанинг навлар бўйича жойлаштирилиши, уруглик пахта хом ашёсини қабул қилиш, саклаш ва қайта ишлаш технологиясига риоя этилишини таъминлайди;

- жамиятнинг банкда очилган махсус ҳисоб рақами орқали, кишлок хўжалиги жамиятлари ва фермер хўжаликлари билан белгиланган тартибда, пахтани қайта ишлаш ва маҳсулотни сотиш тугаллангандан кейин, узил-кесил ҳисоб-китоб қилади;

- пахта маҳсулотининг экспортга ва республика истеъмолчиларига жўнатилишини ташкил этади;

- пахта етиштирувчи хўжаликларни ва пахта тозалаш жамиятларини молиялаш миқдорлари ҳисоб-китобини ҳудудий бирлашмага ўз вақтида тақдим этилишини ҳамда тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таъминлайди;

- контрактация шартномалари бажарилиши, пахта тозалаш жамиятси бўйича пахта маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва етказиб берилиши ҳажми юзасидан маълумотларни ҳудудий бирлашмага ўз вақтида тақдим этади;

- инвестиция дастурларини амалга оширади, жамиятни замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бўйича иш ҳажмини бажаради;

- пахта хом ашёсини қайта ишлашнинг технология регламентига риоя этилиши, хом ашё ресурсларидан тугри ва оқилона фойдаланилиши, пахта толаси, чигит ва момикнинг нормативларга мувофиқ чиқиши таъминланиши, рақобатбардош сифатли пахта маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳамда пахта маҳсулотлари билан ишлашда ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминлайди;

/ /

- пахта хом ашёсини харид килиш, пахта махсулотлари ишлаб чиқариш, жўнатиш ва унинг қолдиқлари бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисоботларни юритади ҳамда маълумотларни белгиланган тартибга мувофиқ давлат ҳудудий статистика органларига ва бирлашмага тақдим этади;

- жамият фаолияти самарадорлигини ошириш ва ишчи-хизматчиларни керакли кишлоқ хужалик махсулотлари, саноат махсулотлари билан таъминлаш мақсадида ушбу махсулотлар билан улгуржи савдо ва транспорт хизмати фаолиятини амалга оширади.

Бошқарув. Аудиторлик текшируви уз ичига олган даврда биринчи имзо қуйиш ҳукуки билан жамият раиси Л. Джумаев ва Б.Авазовлар, иккинчи имзо қуйиш ҳукуки билан бош ҳисобчи А.Боймирзаев ишлаган.

Бизнес – режа бажарилишини текшириш. Жамиятнинг 2016 йилги тузилган бизнес – режанинг бажарилиши аудит текширувидан утқазилганда қуйидагилар аниқланди:

Курсаткичлар	Бизнес-режа буйича	Ҳисобот буйича	Фарқи (+, -)	Бажарилиши, %
Акциз ва ҚҚСсиз махсулот сотилиши	42 137 234,0	41 603 719,0	-533 515,0	98,7
Сотилган махсулот таннархи	35 905 450,0	36 681 634,0	776 184,0	102,2
Сотилган махсулотдан олинган фойда	6 231 784,0	4 922 085,0	-1 309 699,0	79,0
Давр харажатлари	5 033 957,0	3 966 496,0	-1 067 461,0	78,8
Шу жумладан сотиш харажати	165 937,0	106 147,0	-59 790,0	64,0
Маъмурий харажатлар	1 214 313,0	1 308 473,0	94 160,0	107,8
Бошқа харажатлар	3 653 889,0	2 551 876,0	-1 102 013,0	69,8
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	97 423,0	38 148,0	-59 275,0	39,2
Асосий фаолиятдан фойда	1 295 250,0	993 737,0	-301 513,0	76,7
Молиявий фаолият даромадлари	8 560,0	-	-8 560,0	-
Молиявий фаолият буйича харажатлар	747 800,0	444 354,0	-303 446,0	59,4
Фойда солиғи ва бошқа солиқлар	171 629,0	143 280,0	-28 349,0	83,5
Қорхона ихтиёрида қолдириладиган соф фойда	375 821,0	406 103,0	30 282,0	108,1

Олинган даромад бизнес режага нисбатан ҳақиқатда 533 515,0 минг сумга камайган, махсулот таннархи эса 776 184,0 минг сумга ошган. Давр харажатлари бизнес-режа буйича 5 033 957,0 минг сумга режалаштирилган бўлса ҳақиқатда эса 3 966 496,0 минг сумни ташкил этган. Давр харажатлари 1 067 461,0 минг сумга камайган, молиявий фаолият буйича харажатлар 303 446,0 минг сумга камайган. Соф фойда бизнес режа буйича 375 821,0 минг сумга режалаштирилган, ҳақиқатда эса 406 103,0 минг сумни ташкил этган. Соф фойда бизнес режага нисбатан 30 282,0 минг сумга қўп бажарилган. Жамият буйича соф фойда олиш режаси бажарилган.

Жамиятнинг режа ва иқтисод булими томонидан пахта қабул қилиш масканлари ҳамда тармок булимлар буйича молиявий курсаткичлар ва умумий харажатлар таҳлил қилинмаган. Бизнес режани бажармаган пахта қабул қилиш масканлари ҳамда тармок булимлар буйича чоратадбирлар ишлаб чиқилмаган. Олинган даромадларнинг ошиши, харажатларнинг камайишига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинмаган. Бундан ташқари самарадорликнинг йигинди

9

курсаткичлари ҳисобланмаган. Ушбу хато-камчиликларни тугатиш ҳамда бизнес-режа курсаткичларини бажариш бўйича зарурий чора-тадбирлар белгилаш ва катъий назорат қилиш жамият кузатув кенгашига тавсия этилади.

Корпоратив бошқариш принципларига риоя қилишни текшириш: «Muborak рахта тозалаш» АЖ бўйича 2016 йилда жамият Кузатув Кенгаши томонидан белгиланган тартибда 5 марта ва акциядорларнинг 1 марта умумий йиғилишлари утказилиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган. Ушбу қарорларнинг ижроси Бошқарув Кенгаши томонидан таъминланган.

Бундан ташқари юқори ташкилотлар томонидан келган алоқа хатлари, йуриқномалар, буйруқларнинг бажарилиши ва назоратчи органлар шунингдек вилоят ва туман ҳокимликлари, Муборак туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан келган барча хатлар атрофлича урганиб чиқилиб ижроси таъминланган. Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва молия хужалик фаолиятига алоқадор барча масалалар жамият Бошқарув Кенгаши йиғилишида қуриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган, бироқ жамиятда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 207-сонли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хужалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига асосан самарадорликнинг йиғинди курсаткичлари ҳисобланмаган, бундан ташқари МХХСга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар ва уларни халқаро ташқи аудитдан утказиш бўйича аудиторлик ҳулосаси жамият веб-сайтига нашр этилмаган яъни жойлаштирилмаган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сон “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори тула бажарилмаган.

Аудит текширувида корпоратив бошқарув принципларига тула риоя қилиш, қабул қилинган қарорлар ижросини тула таъминлаш ва назорат қилиш, юқорида курсатилган қарорлар талабларини бажариш бўйича зарурий чора-тадбирлар белгилаш жамият бошқарув кенгаши зиммасига юклатилди.

Ички назорат ҳолатини текшириш. Жамиятда ички бошқарув назорати ташкилий жиҳатдан ва моддий ресурслар бутлиги юзасидан урнатилган.

Товар-моддий қийматликлар моддий жавобгарлик бўйича тузилган шартномалар асосида жавобгар шахсларга биркитилган, уларнинг буст-бутун сакланиши устидан назорат урнатилган.

Жамият томонидан амалга оширилаётган молиявий - хужалик операцияларнинг тугри акс эттирилиши ва ҳисобининг юритилиши устидан назорат бош ҳисобчига юклатилган.

Жамият бошқарув органи, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси амалдаги қонунчилик асосида ишлаб чиқилган ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ички Низомлар асосида фаолият курсатган. Моддий жавобгар шахслар билан тулик моддий жавобгарлик тугрисида шартномалар тузилган. Лавозим йуриқномалари ишлаб чиқилган. Жамиятда ҳисоб сиёсати жамият ички буйруғи билан расмийлаштирилган.

Ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш амалдаги «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонун, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари асосида юритилган ва тайёрланган.

Бухгалтерия ҳисоби журнал-ордер тизими асосида юритилган. Бош дафтар юритилган, молиявий-хужалик муомалалари уз даврида акс эттириб борилган.

Молиявий ҳисоботлар статистика ва солиқ идораларига ҳисобот топширишнинг белгиланган муддатларида топширилган.

2016 йил 1 январдан 2016 йил 31 декабргача булган даврда жамиятда бухгалтерия ҳисоби янги счётлар режаси асосида юритилган. Ишчи счётлар режаси жамият ҳисоб сиёсати билан биргаликда буйруқ асосида тасдиқланган.

Аудит текшируви жараёнида ички назоратни қучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар қўллаш бўйича жамият бошқарувига тавсиялар берилди.

Молиявий-хужалик фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши. Жамият томонидан хужалик-молиявий муомалалар белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартномалар асосида амалга оширилган. Шартномаларни қайд қилиш дафтари юритилган,

4

талабга жавоб беради. Шартномаларда юрист визаси куйилган. Бирок, 200 минимал иш хакидан юкори кийматдаги шартномаларнинг айримларига юрист хулосаси илова килинмаган. Амалдаги «Хужалик субъектларининг шарномавий-хукукий базаси тугрисида»ги (1998 й.) Конунга мувофик 200 минимал иш хакигача булган микдордаги шартномаларга юрист визаси куйилиши, ундан юкори микдордаги шартномаларга юрист хулосаси илова килиниши талаб килинади. Бундан ташқари мол етказиб берувчилардан қабул қилинган материаллар ва махсулотлар баҳосини биржа ёки бозор баҳосидан ошиб кетмаслигини қатъий назорат қилиш, шартномаларда белгиланган муддатда туловларни амалга ошириш талаб қилинади.

Аудит текшируви жараёнида шартномаларни куриб чиқиш, шартномаларда материаллар ёки махсулотлар нархини бозор ёки биржа нархидан ошиб кетмаслигини қатъий назорат қилиш буйича тавсиялар берилди.

Устав капитали

Жамият низом фондининг микдори 840645,0 минг сумни ташкил этиб, 431100 дона акцияга булинган.

31.12.2016 йил ҳолатида дивидендлар буйича жамиятнинг қарздорлиги 420411.3 минг сумни ташкил этади. Шундан:

меҳнат жамоаси улуши буйича – 25 235.9 минг сум, чет эл инвестори буйича – 395 175,4 минг сумни ташкил этади. Ушбу ҳолат “Акционерлик жамиятлари ва акционерлар ҳукуқини химоя қилиш тугрисида”ги қонун ҳужжатиға мос келмайди. Ушбу қарздорликни йиллар буйича таҳлил қилинганда қуйидагилар қайд этилди:

минг сумда			
Тр	Акциядорлар номи	Қарздорлик суммаси	йиллар
1	Чет эл инвестори улуши 42 %	0,000	2008 йил ҳисобидан
2	Чет эл инвестори улуши 42 %	3 417,500	2009 йил ҳисобидан
3	Чет эл инвестори улуши 42 %	109977,815	2010 йил ҳисобидан
4	Чет эл инвестори улуши 42 %	90713,823	2011 йил ҳисобидан
5	Чет эл инвестори улуши 42 %	78527,430	2012 йил ҳисобидан
6	Чет эл инвестори улуши 42 %	60849,720	2013 йил ҳисобидан
	Чет эл инвестори улуши 42 %	51689,100	2014 йил ҳисобидан
	ЖАМИ	395175,388	
1	Жамоа улуши 7 %	0,0	2005-2006 йил ҳисобидан
2	Жамоа улуши 7 %	25,4	2007 йил ҳисобидан
3	Жамоа улуши 7 %	229,5	2008 йил ҳисобидан
4	Жамоа улуши 7 %	841,2	2009 йил ҳисобидан
5	Жамоа улуши 7 %	810,3	2010 йил ҳисобидан
6	Жамоа улуши 7 %	3301,7	2011 йил ҳисобидан
7	Жамоа улуши 7 %	3545,3	2012 йил ҳисобидан

у О.Т.И.К.А.

8	Жамоа улуши 7 %	8743,6	2013 йил хисобидан
	Жамоа улуши 7 %	7 739,0	2014 йил хисобидан
	ЖАМИ	25 235,9	
	ХАММАСИ	420411,3	

Аудит текшируви жараёнида ушбу қарздорликларни тугатиш буйича жамият қузатув кенгаши зарурий чора – тадбирлар куллаши лозим булади.

Асосий воситалар. Жамиятнинг 01.01.2016 йил ҳолатида 0100-«Асосий воситалар» счётида бошлангич киймати 11766176,0 минг сум, қолдиқ киймати 7868879,0 минг сумни ташкил этган.

Асосий воситаларни инвентар номерлари буйича ҳисоб - китоб тулик юритилмаган, асосий воситалар моддий жавобгар шахсларга тулик беркитилмаган. Асосий воситалар ҳаракати ва эскириш ҳисобланиши буйича айланма ведомостларда 5-БХМС га мувофиқ ҳисоб қарточкалари юритилмаган. Ушбу ҳолатлар 5-БХМС қоидаларига тугри келмайди.

2016 йил давомида 195706,0 минг сум асосий воситалар қирим булган, жами қиким 2925,0 минг сумни ташкил этган.

Жамият ҳисоби буйича асосий воситаларнинг 31.12.2016 йил ҳолатида қолдиғи 12 627 738,0 минг сумни, қолдиқ қиймати эса 7 747 007,0 минг сумни ташкил этади.

Аудит текширув жараёнида асосий воситаларни инвентар номерлари буйича ҳисоб-китоб юритиш, моддий жавобгар шахсларга юклатиш, қикими буйича ҳужжатларни тугри расмийлаштириш буйича тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Узок муддатли инвестициялар. Жамиятда узок муддатли инвестициялар 01.01.2016 йил ҳолатида 596 700,0 минг сумни, 31.12.2016 йил ҳолатида эса 581 850,0 минг сумни ташкил этган. Ушбу давр давомида дивидендлар шаклидаги даромадлар олинмаган. *Аудит текшируви жараёнида сотиб олинган акциялар ва берилган улушлар буйича сертификатлар ва дивидендлар буйича маълумотномалар олиш тавсия этилади.*

Товар моддий захиралар. 01.01.2016 йил ҳолатида жамиятнинг тузилган балансда товар моддий захиралар 21 874 142,0 минг сум акс эттирилган. 31.12.2016 йил ҳолатида жамиятнинг тузилган балансда товар моддий захиралар 15 482 591,0 минг сум акс эттирилган. Шундан ишлаб чиқариш захиралари 01.01.2016 йил ҳолатида 20 222 042,0 минг сумни, 31.12.2016 йил ҳолатида эса 12 620 975,0 минг сумни ташкил этган. Ушбу қолдиқ ҳисобот маълумотларига мос келмайди. Айрим ҳолларда материалларнинг қиким ҳужжатлари тулик расмийлаштирилмаган, моддий жавобгар шахслар уз вақтида ҳисоботларни марказий бухгалтерияга топширилмаган. Ушбу ҳолатлар молиявий ҳисоботларни тугрилиғига салбий таъсир қилиб, бузиб курсатади. *Аудит жараёнида товар моддий захираларнинг қирими ва қикими буйича ҳужжатларни тугри расмийлаштириш, бухгалтерия утқазмаларини тугри тузиш, моддий жавобгар шахслар ҳисоботларини уз вақтида бухгалтерияга топшириш, қолдиқларни балансда тугри акс эттириш буйича тушунтириш ва тавсиялар берилди.*

Тайёр маҳсулотлар. 01.01.2016 йил ҳолатида жамиятнинг тузилган балансда тайёр маҳсулотлар 1 652 100,0 минг сум акс эттирилган. Тайёр маҳсулотлар 31.12.2016 йил ҳолатида эса 2 861 616,0 минг сумни ташкил этган. *Аудит жараёнида тайёр маҳсулотларнинг қирими ва қикими буйича ҳужжатларни тугри расмийлаштириш, ишлаб чиқариш топширикномаларини белгиланган тартибда расмийлаштириш буйича тушунтириш ва тавсиялар берилди.*

Ҳазина. Жамиятда ҳазина учун маҳсус жой ажратилган ва қеракли анжомлар билан жиҳозланган. Ҳазина муомалларини ҳисобга олиш ва расмийлаштириш учун жавобгар шахс-ҳазиначи тайинланган. Ҳазиначи билан моддий жавобгарлик тугрисида шартнома тузилган. Ҳазина ҳужжатлари бирламчи ҳужжатлар асосида белгиланган тартибда расмийлаштирилган. Ҳазина қитоби рақамланиб, жамият бош ҳисобчиси томонидан имзоланиб муҳрланган. Ҳазина операцияларини

Handwritten signature and initials.

текшириш жараёнида шу нарса кайд этилдики, 01.01.2016 йилга колдик колмаган 2016 йил 1 январь холатидадан 2016 йил 31 декабргача булган даврда хазинага жами 145939,0 минг сум пул маблағлари кирим ва чиким булган. 31.12.2016 йилга колдик колмаган.

Накд пулсиз хисоблашишлар. 01.01.2016 й. холатида хисоб раками ва махсус хисоб ракамларидаги колдиклар 566 287,0 минг сумни ташкил этади. Ушбу колдик баланс ва бирламчи хужжатлар, банк кучирмаларига мос келади.

31.12.2016 й. холатида жамият балансида жамиятнинг махсус ва хисоб ракамларида 194 221,0 минг сум колдик курсатилган.

Ушбу колдик бирламчи хужжатлар ва банк кучирмалари билан мос келади. *Аудит текширувида пул маблағларидан мақсадли сарфлаш ҳамда асоссиз пул утказиш холатларига йул қуймаслик буйича тушунтириш ва тавсиялар берилди.*

Штатлар руйхати ва иш хаки. Штатлар жадвали бизнес-режа билан биргаликда акциядорлар умумий йигилишининг қарори ҳамда жамият бошқарувининг тегишли қарор ва буйруқлари билан тасдиқланган.

Иш хаки тулови штат жадвали буйича иш вақтини хисобга олиш табели асосида амалга оширилган. 01.01.2016 йилда жамиятнинг иш хаки буйича ходимлардан қарздорлиги 380 050,0 минг сумни, 31.12.2016 йилда жамиятнинг иш хаки буйича қарздорлиги 206 960,0 минг сумни ташкил этган. Ишчи хизматчиларнинг жамиятдан қарздорлиги 20266,0 минг сумни ташкил этган. Жамиятнинг иш хаки буйича қарздорлиги баланс курсаткичлари билан мос келмайди. Мукофотлаш тугрисида низом ишлаб чиқилмаган. Фуқаролик шартномаси билан ишлайдиган ишчи ходимлар томонидан бажарилган ишлар буйича далолатномалар тулик тузилмасдан улар билан хисоб китоб қилинган. Ушбу холат қонунчилиги талабларига мос келмайди. *Аудит текшируви жараёнида иш хаки буйича қарздорликларни балансда тугри акс эттириш, иш хаки буйича қарздорликни бартараф этиш юзасидан зарурий чора тадбирлар қўллаш, мукофотлаш тугрисида низом ишлаб чиқиш ва юқорида курсатилган хатоларни тўзатиш буйича тушунтириш ва тавсиялар берилди.*

Дебитор ва кредиторлар билан хисоблашишлар. Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан жорий хисоблашишлар тегишли шартномалар асосида амалга оширилган.

Жамиятнинг 31.12.2016 йил холатида жамият балансида 9 947 564,0 минг сум дебитор қарздорлик, 18 742 015,0 минг сум кредитор қарздорлик курсатилган. Ушбу уринда шуни таъкидлаш лозимки, дебитор қарздорлик 7 863 220,0 минг сумга ошган. Кредитор қарздорлик утган даврга нисбатан 1 124 530,0 минг сумга камайган. Мавжуд қарздорликларнинг аксарият қисми буйича хисобот даври якунида солиштирма далолатномалар тузилмаган. Дебитор ва кредиторлик қарзлар юқори даражада ошиб кетган булсада бироқ бошқарув кенгаши томонидан чора-тадбир белгиланмаган. Ушбу холат жамиятнинг тулов қобилятига жиддий таъсир курсатади.

Муддати утган дебитор ва кредитор қарздорликлар қуйидаги жадвалда акс эттирилди:

Т/Р	Корхона ва Ташкилот номи	Муддати утган	
		Дебитор қарздорлик	Кредитор қарздорлик
1	Грант авто люкс МЧЖ	5 649,6	0,0
2	Фаввора дизайни	51 752,2	0,0
3	ПКЧСФ ДОНИ	0,0	1 343,9
4	ЯТТ Жабборов Азамат	0,0	586,5
5	Турамуродбобо Хусайинов ф/х	0,0	3 699,0
6	Саховат курорт сервис	0,0	1 544,7
7	Қарши раванқ	0,0	172,8

4 

8	Кашкадарё вилоят ММТП	0,0	1 982,6
9	Муборак махсус транс УШК	0,0	1 697,6
10	Навобий кизилкум цемт	0,0	160,9
	Жами	57 401,8	11 188,0

Ушбу муддати утган дебитор ва кредиторлик карзларни тугатиш буйича зарурий чора – тадбирлар белгилаш юзасидан жамият бошкарувига тавсиялар берилди.

Аудит жараёнида муддати утган дебиторлик ва кредиторлик карзларни тугатиш буйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда дебитор ва кредитор карздорликлар буйича солиштирма далолатномалар тузиш, назорат килиш буйича тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Банк кредитлари. 2016 йил 2 июнда банкдан айланма маблағларни тулдириш учун бир йиллик муддат Жамият билан 15% ли шартнома суммаси 500000.0 минг сум, 2016 йил 11 августда банкдан айланма маблағларни тулдириш учун бир йиллик муддатли 15 % шартнома суммаси 310 000,0 минг сум, 29 октябр 2016 йилда банкдан айланма маблағларни тулдириш учун бир йиллик муддат билан 12 % шартнома суммаси 800 000,0 минг сум киска муддатли кредит олган. Аудит жараёнида кредитни муддатида кайтариш ва фоиз харажатларини хисоблаш буйича тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Солиқлар ва ажратмалар. Жамият 2016 йил 1 январдан 2016 йил 31 декабргача булган даврда куйидаги солиқлар туловчиси булган:

- кушилган киймат солиги;
- фойда солиги;
- ер солиги;
- мулк солиги;
- ишчи-хизматчилар иш хакидан даромад солиги;
- ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиги.

Мазкур солиқ турлари буйича аудиторлик текшируви жараёнида куйидагилар кайд этилди:

Солиқ ва туловлар тури	Жамият хисоби	Аудитор хисоби	Фарқи
Кушилган киймат солиги	1 877 272,0	1 877 272,0	-
Мулк солиги	383405,7	383405,7	-
Ишчи-хизматчилар иш хакидан даромад солиги	170 401,0	183 541,8	+13 140,8
Фойда солиги	107966,6	107966,6	-
Ер солиги	164 492,0	164 492,0	-
Инфраструктурани ривожлантириш солиги	35 313,3	35 313,3	-

Бюджетдан ташкари ажратмалар буйича хисоблашишлар

Аудиторлик текшируви мобайнида бюджетдан ташкари ажратмалар буйича куйидаги курсаткичлар кайд этилди:

Солиқ ва туловлар тури	Жамият хисоби	Аудитор хисоби	Фарқи
ИХФ дан 25 % ажратма	585 112,0	585 112,0	-
ИХФ дан 7,5% ажратма	175534,0	179819,0	+4 285,0
1,6 % ажратма	665 660,0	665 660,0	-
Ягона йул фонди	582452,0	582452,0	-
Мактаб фонди	208 019,0	208 019,0	-

МИНГ СУМ

У *ОЖИЗ*

Солиқлар ва мажбурий туловлар буйича муддати кечиктирилган узок муддатли мажбуриятлар 4 509 757,0 минг сумни ташкил этади.

Солиқ ва ажратмалар буйича қарздорликларни тугатиш ва иш хакидан даромад солиғи, пенсия жамгармасига сугурта бадали ажратмаси буйича ДСИ билан қайта ҳисоб-китоб қилиш тавсия этилади.

Молиявий натижа. Жамиятнинг 2016 йил молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботи қуйидаги курсаткичлар билан ифодаланади:

Курсаткичлар	Катор	Даромад	Харажат
Махсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум	010	41603719	
Сотилган махсулот (товар, иш, хизмат) таннари	020		36681634
Махсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси	030	4922085	
Давр харажатлари, жами (050+060+070+080), шу жумладан:	040		3966496
Сотиш харажатлари	050		106147
Маъмурий харажатлар	060		1308473
Бошка операцион харажатлар	070		2551876
Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган жорий харажатлар	080		
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	090	38148	
Асосий фаолиятнинг фойдаси (030+040+090)	100	993737	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (120+130+140+150+160), шу жумладан:	110		
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120		
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130		
Узок муддатли ижара (молиявий лизинг)дан Даромадлар	140		
Валюта курси фарқидан даромадлар	150		
Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари	160	0	
Молиявий фаолият буйича харажатлар (180+190+200+210), жу жумладан:	170		444354
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180		444354
Узок муддатли ижара (молиявий лизинг) буйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190		
Валюта курси фарқидан зарарлар	200		
Молиявий фаолият буйича бошка харажатлар	210		
Умумхужалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (100+110+170)	220	549383	
Фавкулуддаги фойда ва зарарлар	230		
Даромад (фойда) солиғи тулаганга қадар булган фойда (зарар) (220+/-230)	240	549383	
Даромад (фойда) солиғи	250		107967
Фойдадан бошка солиқлар ва йигимлар	260		35313
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (240-250-260)	270	406103	

Аудит текшируви жараёнида «Махсулотлар (иш ва хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш» тугрисидаги Низом қоидаларига тула амал қилиш, келгуси давр харажатларини тугри

Ҳ 

хисобга олиш ва молиявий хисоботларга тегишли тузатишлар киритиш буйича тавсиялар берилди.

Активлар бутлиги аудити. Жамият 31.12.2016 йил ҳолатида баланс киймати 34 413 479,0 минг сумлик активларга эга, шундан, узок муддатли активлар 8 381 435,0 минг сум, айланма активлари 26 032 044,0 минг сумни ташкил этади. 2016 йил 1 январдан 2016 йил 31 декабргача булган даврда Гулшан пахта маскани 2-зона таваршуноси Бурхонов Бахриддин жавобгарлигида турган пахта хом ашёсидан 196 тонна 110136,0 минг сум камомад аниқланган ва тулаб берилган. Бундан ташқари ходимлардан ундирилмаган камомадлар 75439,0 минг сумни ташкил этади. Ушбу камомадларни ундириш чораларини куллаш талаб қилинади. Аудит текшируви уз ичига олган даврда, ишлаб чиқариш захиралари, пул маблаглари, дебитор ва кредиторлар йуқлама қилишдан утқазилмаган. Ушбу ҳолат 19 – БХМС қоидаларига мос келмайди.

Молиявий хисоботлардаги курсатқичлардан фойдаланиб жамиятнинг 2016 йил 31 декабр ҳолатида молиявий ҳолатининг коэффицентлари қуйидагича булган (молиявий рақамлар минг сумда курсатилган):

Капиталнинг самарали ишлатилиши:

$$\text{Сотиш рентабеллиги} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Сотишдан олинган соф даромад}} \times 100\% = 1,0\%$$

(406103,0) / (41 603 719,0)

$$\text{Активлар рентабеллиги} = \frac{\text{Солиққа тортишгача булган фойда}}{\text{Активлар киймати}} \times 100\% = 1,6\%$$

(549383,0) / (34 413 479,0)

$$\text{Туловга қобиллик коэффицентли} = \frac{A2}{P2 - (Uk + Kk + Xa)} = \frac{26\,032\,044,0}{24\,837\,922,0 - (4509757 + 1\,485\,000,0)} = 1.38$$

Бу ерда:

A2 – айланма активлар;

P2 - мажбуриятлар;

Uk - узок муддатли қарз ва кредитлар;

Kk - қайтариш муддати келмаган қиска муддатли қарз ва кредитлар;

Xa - харидорлардан олинган аванслар.

$$\text{Узининг айланма маблаглари билан таъминланганлик коэффицентли} = \frac{A2}{(P1 + Uk) - A1} = \frac{26\,032\,044,0}{(9\,575\,557 + 4509757) - 8\,381\,435,0} = 0.22$$

Бу ерда:

A2 – айланма активлар;

- А1 – узок муддатли активлар;
 П1 - уз маблагларининг манбалари;
 Ук - узок муддатли карз ва кредитлар;

Жамиятнинг туловга қобиллик коэффициентини 1 дан юкори, аммо жамиятнинг молиявий ресурслардан омилкорлик билан фойдаланишини ҳамда мажбуриятларини камайтиришни талаб этади.

Узининг айланма маблаглари билан таъминланганлиги 0,22 даражада, демак жамиятнинг айланма маблаглар билан таъминланганлиги паст даражада. Жамиятнинг рентабеллик даражаси ҳам паст даражада. Ушбу коэффициентларни ошириш лозим булади.

4. Я к у н и й к и с м

Аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш буйича тавсиялар

1. Жамиятда бухгалтерия хисобининг миллий стандартларини кенг жорий этиш ва унга амал қилинишини назорат қилиш. Самарадроликнинг йиғинди курсаткичларини (СҲК) хисоблаш.
2. Бошлангич хужжатларнинг тулдирилишини назоратга олиш, ва бухгалтерия утказмаларини тугри тузиш. Хисоб-фактураларни, ишлаб чиқариш топшириқномаларини, далолатномаларни тулдирилишини назорат қилиш, товар моддий захиралар қолдигини балансда тугри акс эттириш.
3. Барча шартномаларни куриб чиқиб, юрист визаси ва юрист хулосасини расмийлаштириш, 1998 йилги «Хужалик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонун талабларига риоя қилиш.
4. Ишчи-ҳодимлардан иш ҳақи ва дивидендлар буйича қарздорликни бартараф этиш. Иш ҳақи буйича қарздорликни балансда тугри акс эттириш.
5. «Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида»ги Низом ва 1-иловаси талабларига риоя қилиш. Қелгуси давр харажатларини тугри хисоблаш.
6. Йўқлама қилишни утказишнинг даврийлигига, яъни 19-БХМС қоидаларига амал қилиш. Қамомадлар суммасини белгиланган тартибда ундириш қораларини қўриш.
7. Мавжуд муддати утган дебитор ва кредитор қарзларни бартараф этиш буйича қоратдбирлар қуллаш.
8. Аудитор хисоботида қурсатилган хато-камчиликларни тугатиш.

Мазкур хисобот 2 (икки) нусхада тузилди

А у д и т о р :



О. Кодиркулов

Ўзбекистон Республикаси
Қашқадарё вилояти
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
"AUDIT-HISOB MARKAZI"
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзил: Қарши шаҳри, 180100, Мустақиллик, 2-уй. Тел. +99891-4603010

“Muborak paxta tozalash” АЖ бошқарувига
(*Муборак тумани, Сардоба кургони*)

АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Биз “Muborak paxta tozalash” АЖ нинг 2016 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботдан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Корхона раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек корхона раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда, корхона ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар “Muborak paxta tozalash”АJ нинг 2016 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Аудиторлик ташкилоти
Бош директори:

Сана 29.04.2017 й.
Қарши шахри, Ўзбекистон



З.Эргашева

**“Muborak paxta tozalash” AJ ning
молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи**

(минг сўмда)

Активлар	31.12.2014 йилга	31.12.2015 йилга	31.12.2016 йилга
Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар	7593410,0	7542817,0	7546312,0
Молиявий активлар	582615,0	642254,0	572765,0
Бошқа узоқ муддатли молиявий активлар	13085,0	14085,0	9085,0
Биологик активлар	21243,0	19543,0	235337,0
Жами оборотдан ташқари активлар	8210353	8218699	8463499
Товар-моддий захиралар	23212418,0	22196710,0	15086675,0
Қисқа муддатли дебиторлик қарзлар	2352133,0	2018523,0	10328975,0
Жорий солиқлар бўйича қисқа муддатли дебиторлик қарзлар	9873,0	15821,0	65374,0
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	957288,0	566287,0	194221,0
Қисқа муддатли жорий активлар			
Жами жорий активлар	26531712,0	24797341,0	25675245,0
Жами активлар	34742065,0	33016040,0	34138744,0

Капитал ва мажбуриятлар	31.12.2014 йилга	31.12.2015 йилга	31.12.2016 йилга
Капитал			
Акциядорлар (устав) капитали	840645,0	840645,0	840645,0
Тақсимланмаган фойда	2236288,0	2520136,0	2394777,0
Эмиссия даромади			
Сотиб олинган ўз акциялари			
Ташкилотнинг бошқа капитали	1544600,0	9545358,0	5709885,0
Резерв капитали	666364,0	243356,0	126097,0
Жами капитал	5287897,0	13149495,0	9071404,0
Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли мажбуриятлар			
Муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари	0	0	4669645,0
Жами узоқ муддатли мажбуриятлар	0	0	4669645,0
Жорий мажбуриятлар			
Қисқа муддатли кредитор қарздорлик	24912658,0	14619120,0	19051696,0
Жорий солиқлар бўйича қисқа муддатли қарздорлик	3944859,0	4867375,0	1276469,0
Меҳнат таътили резерви	596651,0	380050,0	12178,0
Даргумон қарзлар резерви	0	0	57402,0
Жами қисқа муддатли мажбуриятлар	29454168,0	19866545,0	20397695,0
Жами мажбуриятлар	29454168,0	19866545,0	25067340,0
Жами капитал ва мажбуриятлар	34742065,0	33016040,0	34138744,0

Жамият раиси:

Бош ҳисобчи:

“Muborak paxta tozalash” AJ ning
Фойда ва зарарлар, бошқа умумлашган даромадлар
тўғрисидаги ҳисоботи
(харажат моддалари бўйича)

(минг сўмда)

Фойда (зарар) (минг сўмда)	2015 йил бўйича	2016 йил бўйича
Тушум	41404548,0	41603719,0
Сотиш таннархи	(36523640,0)	(36681634,0)
Жами ялпи фойда	4880908,0	4922085,0
Бошқа даромадлар	89985,0	38148,0
Тижорат харажатлари	(163338,0)	(106147,0)
Бошқарув харажатлари	(1141992,0)	(1308473,0)
Бошқа харажатлар	(2434386,0)	(2874714,0)
Асосий фаолиятдан фойда(зарар)	1231177,0	670899,0
Амортизацияланадиган қиймати бўйича ҳисобга олинмаган молиявий активларни чиқиб кетишидан фойда(зарар)лар		
Молиявий даромадлар	47185	0
Молиявий харажатлар	(523937,0)	(444354,0)
Солиққа тортилгунча фойда (зарар)	754425	226545
Фойда солиғи харажатлари	(128719,0)	(95177,0)
Жами фойда (зарар)	625706,0	131368,0
Бошқа умумлашган даромад:	0	2131839,0
<i>Келгусида фойда ва зарарларда қайта таснифланмайдиган моддалар:</i>		
Асосий воситаларни қайта баҳолашдан фойда (зарар)	0	2131839,0
Қарам компанияларнинг бошқа умумлашган даромадаги улуши		
Келгусида фойда ва зарарларда қайта таснифланмайдиган моддалар бўйича фойда солиғи	0	(159888,0)
<i>Келгусида фойда ва зарарларда қайта таснифланадиган моддалар:</i>		
Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар		
Ҳаққоний қийматнинг ўзгаришидан фойда (зарар)		
Сотишдан олинган фойда (зарар)		
Келгусида фойда ва зарарларда қайта таснифланадиган моддалар бўйича фойда солиғи		
Солиқлар чегирилган ҳолда йиллик умумлашган даромад:	0	1971951,0
ЖАМИ умумлашган даромад		
Йиллик фойда (зарар)	625706,0	2103319,0
Битта акцияга фойда (зарар)	1451,4	4879,0

Жамият раиси:

Бош ҳисобчи:

**“Muborak paxta tozalash” AJ ning
Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи
(тўғри усул)**

(минг сўмда)

	2015 йил бўйича	2016 йил бўйича
Операцион фаолият бўйича пул маблағлари оқими		
товарларни сотиш, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан тушум	32116224,0	42015805,0
товар, иш, хизматларни етказиб берувчиларга тўловлар	(25249080,0)	(38584914,0)
Ишчи ходимлардан тўловлар	0	246941
ишчи ходимларга тўловлар	(1849335)	(2313278,0)
операцион фаолият бўйича бошқа пул маблағлари тўловлари	(5388094,0)	(308876,0)
Жорий муомалалар бўйича жами пул маблағлари оқими	(370285,0)	1055678,0
тўланган (қопланган) фойда солиғи		
Операцион фаолият деб таснифланадиган бошқа пул маблағларининг тушуми (тўлови)	426820,0	1628904,0
Операцион фаолият бўйича жами пул маблағлари оқими	56535,0	2684582,0
Инвестицион фаолият бўйича пул оқимлари		
асосий воситаларни сотишдан тушум	156658	
асосий воситаларни сотиб олиш бўйича тўловлар	(534438,0)	(34564,0)
Инвестицион фаолият бўйича жами пул маблағлари оқими	(377780,0)	(34564,0)
Молиявий фаолият бўйича пул маблағлари оқимлари		
кредит ва қарзлар кўринишидаги тушумлар		1610000,0
кредит ва қарзларни қайтариш		(125000,0)
Олинган фоизлар	1033	
олинган дивидендлар	92752	437
тўланган дивидендлар	(126254,0)	(33118,0)
тўланган фоизлар		(444354,0)
тўланган (қопланган) фойда солиғи	(10000,0)	(39555,0)
Молиявий фаолият бўйича бошқа пул маблағлари оқими	(27287,0)	(3990493,0)
Молиявий фаолият бўйича жами пул маблағлари оқими	(69756,0)	(3022083,0)
Курс фарқларини ҳисобга олгунга қадар жами пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ўсиши (камайиши)		
Курс фарқларининг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари ҳажмига таъсири		
Жами пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ўсиши (камайиши)	(391001,0)	372065,0
Давр бошига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг қолдиғи	957288,0	566287,0
Давр охирига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг қолдиғи	566287,0	194221,0

Жамият раиси:

Бош ҳисобчи:

“Muborak paxta tozalash” AJ ning Kapital ўзгариши ҳақида ҳисобот

бўйича (минг сўмда)

2016 йил	Капитал таркиби								
	Компания мулкдорлари капитали							Назорат килин-майдиған улуш	Жами капитал
	Акционер (устав) капитал	Эмиссион даромад	Акционерлардан сотиб олинган ўз акциялари	Ташкилотнинг бошқа капитали	Бошқа резерв капитали	Таксимланмаган фойда	Жами компания мулкдорлари капитали		
Капиталнинг олдинги ҳолати	840645,0			1664666,0	546298,0	2236288,0	5287897,0		
МХХС талаблари бўйича ҳисоб сиёсатини ўзгартириш натижасида кўпайиши (камайиши)									
Ҳисоб сиёсатини ихтиёрий ўзгартириш натижасида кўпайиши (камайиши)									
Ўтган даврларга тузатиш киритиш натижасида кўпайиши (камайиши)				7880692,0	(302942,0)	283848,0	7861598,0		
Давр бошига капитал	840645,0			9545358,0	243356,0	2520136	13149495,0		
Капиталнинг ўзгариши									
Фойда (зарар)						2103319,0	2103319,0		
Бошқа умумлашган даромад									
Жами умумлашган даромад									
Капитални ошириш (акция чиқариш)									
Мулкдорларга тўланган						(33118,0)	(33118,0)		()
Мулкдорларнинг бошқа қўйилмалари натижасида кўпайиш (камайиш)									
Мулкдорларга таксимлаш натижасида камайиш									()
Акционерлардан сотиб олинган ўз акциялари билан операциялар натижасида ўсиш (камайиш)									
Назоратни йўқотмасдан эгалик фоизининг ўзгариши натижасида ўсиш (камайиш)									
Акциялардан фойдаланиб тўловларни амалга ошириш натижасида ўсиш (камайиш)									
Бошқа ўзгаришлар натижасида ўсиш (камайиш)				(3835473,0)	(117259,0)	(2195560,0)	(6148292,0)		
Жами капиталнинг ўсиши (камайиши)				(3835473,0)	(117259,0)	(125359,0)	(4078091,0)		
Давр охирига капитал	840645,0			5709885,0	126097,0	2394777,0	9071404,0		

Жамият раиси:

Бош ҳисобчи: